

Ishonch

2020 йил 4 январь • шанба • № 4 (4289)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Тошкент вилояти

Имконият

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАЁТГАН МАСКАНЛАР

Оққўрғон туманида давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Маълумотларга қараганда, биргина Тошкент вилоятининг ўзида ўтган 2019 йил давомида шундай бинолардан 6 таси фойдаланишга топширилган. Жорий йилда вилоятнинг бошқа туманларида ҳам худди шундай янги бинолар қурилади.



Давлат шерикчилик асосида қурилган, энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган янги бинода ҳам Давлат хизматлари маркази, ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг қабулхонаси фаолият юритади.

Оққўрғон тумани Давлат хизматлари марказида она ва бола хонаси, кутиш жойлари, кутубхона каби қўшимча қулайликлар яратилган. 20 та қабул ойнаси ҳамда электрон навбат тизимини кўрсатиб турувчи 4 та монитор ишлаб ту-

рибди. Ташриф буюрувчиларнинг навбатини тартибга солиш ва уларга хизмат кўрсатишни баҳолаб бориш мақсадида Швециянинг «QMATIS» компаниясидан харид қилинган электрон навбат ҳамда баҳолаш тизими ўрнатилди. Бундай им-

кониятлар аҳолига кенг қулайликлар яратиб, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Фулмон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



КУН НАФАССИ


Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада содда-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори қабул қилинди.

«Hududiy axborot» телеграм канали



Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан «Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари» мавзусида собиқ «Умид» жамғармаси битирувчиларининг халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

uz.uz



3 январда Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев видеоконференция орқали фуқаролар қабули ўтказди. Қабулда 18 нафар жисмоний ва юридик шахснинг муножжати тингланди. Таъкидлаш жоизки, муножжатларнинг 11 таси суд масалалари, 3 таси прокуратура, 1 таси ички ишлар органлари фаолиятлари ҳамда 3 таси бошқа масалаларга оид.

Бош прокуратура матбуот хизмати



Сингапурда эркалар ва аёллар ўртасида ўтказилган қўлтўпи бўйича Жануби-Шарқий Осиё чемпионатида Ўзбекистон аёллар терма жамоаси кумуш, эркалар терма жамоаси бронза медалларига сазовор бўлди.

uz.uz

Олимжон Абдуллаев Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари – кадрлар бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди. Бунга қадар О.Абдуллаев Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бўлими бошлиғи лавозиминида хизмат қилган.

mvd.uz

Янги йилнинг янги тартиблари
ёхуд 2020 йил 1 январдан нималар ўзгарди?

ЭЛЕКТРОН МЕХНАТ ДАФТARI

2020 йил 1 январдан бошлаб янги меҳнат шартномаларини тузиш, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартириш киришти, шунингдек, уларни тугатиш ҳолатларини «ЯММТ» ИДАҚда мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилди.

Бунда 2020 йил 1 январга қадар тузилган амалдаги меҳнат шартномалари 2020 йил 1 сентябрдан кечиктирмасдан «ЯММТ» ИДАҚда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Меҳнат шартномаларини «ЯММТ» ИДАҚда рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда иш берувчи томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, кириб келган йилдан эътиборан рўйхатдан ўтказилган меҳнат шартномаларидаги маълумотлар асосида «ЯММТ» ИДАҚда автоматик тарзда шакллантирилган ходимнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи электрон меҳнат дафтари жорий этилади.

ХУНАРМАНДЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

2020 йил 1 январдан бошлаб 2023 йил 1 январга қадар Миллий каталог ва Реестрга киририлган хунармандлар календарь йили давомида хунармандчилик махсулотларини (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушуми 100 млн. сўмдан 1 млрд. сўмгача бўлган миқдори учун яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ягона солиқ тўлов ставкаси 2 фоиз миқдорда тўланади. Хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича янгидан давлат рўйхатидан ўтишда тўланадиган давлат божи яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун амалда белгиланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдорда ўрнатилди. Миллий каталогга киритилган хунармандларга шогирдлар сони бўйича келловлар бекор қилинади.

БОДИКАМЕРАЛАР ИШГА ТУШДИ

2020 йилнинг 1 январь кунидан Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг барча ИПХ ходимлари хизматни мобил камерадан фойдаланган ҳолда ўташни бошлади.

ИИВ ЙХХББ ахборот хизматида кўра, ИПХ ходими ҳайдовчини тўхтатиб мулоқотга киришганда, мазкур мулоқот мобил камерага ёзиб олинади, келгусида ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилса, айбни исботлаш учун видеоёзувдан фойдаланилиши мумкин.

БИЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРГА ҒОВ

Президентнинг 2019 йил 9 декабрдаги «Биюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, давлат органлари ва ташкилотлари жами 28 турдаги хужжатларни фуқаролардан талаб қилиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эса уларнинг берилишига йўл қўйилмайди.

Аъзам АБУЛҒАЙЗОВ,
«ISHONCH»

Келгуси сонларда ўқинг...

Барҳаёт Ҳамза

Миллий ғоя реал ҳаётдан униб чиқсин

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА
РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ
ID-10558

СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИ: НИМАЛАРДА АҚС ЭТМОҚДА?

«Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-599-сон, 30.12.2019 й.) Президент томонидан имзоланди. Қонун билан Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди.

- 2020 йилнинг 1 январига қадар қабул қилинган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қилади.
- Солиқ тўловчи 2020 йил 1 январга қадар ҳосил бўлган зарарни келгусига, ушбу зарар қўрилган солиқ давридан кейинги 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга кўчиришни амалга оширишга ҳақли.
- Солиқ турлари 9 тагача қисқартирилди. Хусусан, ягона ер солиғи, давлат божи, божхона тўловлари ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ турлари бекор қилинди.
- Ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинмаган ҚҚС суммасининг охири кетиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммасининг ўрнини қоплаш 2020 йилнинг 1 июлидан эътиборан амалга оширилади.
- Бунда, ҳар бир кейинги солиқ даврида ҳисобга олинмаган ўтказилган зарарнинг жами суммаси жорий солиқ базасининг 50 фоизидан охиши мумкин эмас.
- Қонунга кўра, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови ва қатъий белгиланган солиқ ўрнига тегишлича ижтимоий солиқ, айланмадан олинмаган солиқ ҳамда қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи киритилмоқда.
- Кодексга кўра, солиқ органлари солиқ текширувларининг куйидаги турларини ўтказди:
 - камерал солиқ текшируви;
 - сайёр солиқ текшируви;
 - солиқ аудити.
 (Илгари солиқ текширувлари ваколатли орган келишувга кўра ўтказилмаган ва ваколатли органни хабардор қилиш тартибидан ўтказилмаган текширувлардан иборат бўлган)
- Кодексга трансферт нарх шакллантиришнинг назорат қилини нормалари, «ўзаро боғлиқ шахслар» ва «ўзаро боғлиқ шахслар ўртасида назорат қилинадиган битимлар», «назорат қилинадиган чет эл компанияси» тушунчалари киритилди. Шу муносабат билан айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан фаолият амалга оширилиши билан боғлиқ «солиқ тўловчиларни консолидациялашган гуруҳи» тушунчаси ва уларни солиққа тортишнинг хусусиятлари белгиланди.

Навоий вилояти

Ёшлар – эртаминг эгаси

Ўтган йил мамлакатимиз тарихида ўчмас из қолдиргани, шубҳасиз. Айниқса, касаба уюшма ташкилотлари томонидан ёшлар ҳаётига жиддий эътибор қаратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар салмоқли бўлди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Навоий вилояти кенгаши билан ҳамкорликда тасдиқланган «Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тизимида 2019 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»да ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиб, уларни ўйлан-тираётган муаммоларни бартараф этиш асосий вазифа қилиб белгиланди. Корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятида ёшлар масаласига кенг ўрин берилди.

Корхоналарда танишув тадбирлари уюштирилди. Хоҳиш билдирганларни ушбу корхоналарда иш билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Навоий шаҳридаги «Кураш мактаби»да вилоятимизнинг корхона, ташкилот ва муассасалари ходимларининг оилалари ўртасида «Спорт – мустақам оиламиз пойдевори» шиори остида ўтказилган спартакиада навоийлик замондошларимизга

100 нафардан ортиқ ёш Хоразмга, қишлоқларда яшайётган бир-неча ўнлаб ўғил-қизлар мамлакатимиздаги муқаддас қадимжолар, маданият ва санъат марказларига саёҳатларга жўнатилди. 1 июнь – «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини» муносабати билан кўмакка муҳтож ва эҳтиёжманд оила фарзандларининг 50 нафари Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борилди.

«Менинг келажакдаги иш жойим» акцияси доирасида ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, ўзларига муносиб иш жойларини топишга кўмаклашиш мақсадида Навоий кончилиги ҳамда педагогика институтлари талабалари, ўрта махсус касб-хўнаар таълими муассасалари битирувчиларининг бир гуруҳи иштирокида «Навоий эркин иқтисодий зонаси»даги қўшма

чексиз қувонч бахш этгани ҳам сир эмас. Якунда спортчи оилалар ҳамда ташкилотчи замондошларимиз учун вилоят бадий ҳаваскорлик жамоалари, таниқли санъаткорлари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди. Ғолиби ва совриндорларга бирлашма кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Энг фаол ёш ишчи касб эгаси» кўрик-танловида Ғолибжон Ҳалимов, Суннатилло Саъдуллаев, Гулруҳ Икромова каби кўплаб ёшлар фаол қатнашиб, ўзларининг катта иқтидорга эга эканликларини намойиш этилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган «Касаба уюшмалари стипендияси» эса Навоий давлат педагогика институтининг тарих факультети 3-босқич талабаси Мирсаид Жалиловга насиб этди.

Навоий давлат педагогика институтининг ижтимоий ёрдамга муҳтож талабаси Розиддин Ақобировга «Зомин» санаторийида дам олиши, соғлигини тиклаши учун бепул йўланма берилди. 100 нафардан ортиқ ёшлар Хоразмга, қишлоқларда яшайётган бир-неча ўнлаб ўғил-қизлар мамлакатимиздаги муқаддас қадимжолар, маданият ва санъат марказларига саёҳатларга жўнатилди. 1 июнь – «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини» муносабати билан кўмакка муҳтож ва эҳтиёжманд оила фарзандларининг 50 нафари Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борилди.

Давлат дастури – амалда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Энг фаол ёш ишчи касб эгаси» кўрик-танловида Ғолибжон Ҳалимов, Суннатилло Саъдуллаев, Гулруҳ Икромова каби кўплаб ёшлар фаол қатнашиб, ўзларининг катта иқтидорга эга эканликларини намойиш этилди.

озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Навбахордаги шундай оила фарзандларига эса болаларбоп китоблар совға қилинди.

Айниқса, 2019 йил ноябрь ойида иш берувчилар ўртасида «Энг масъулиятли ёш иш берувчи» танловининг уюштирилиши навоийлик ёшлар қалбида келажакка бўлган умид ва ишонччи янада мустақамлади. Мазкур танлов вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларга раҳбарлик қилаётган, 35 ёшгача бўлган иш берувчилар ўртасида ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.

Умуман олганда, бирлашма томонидан ёшлар манфаатлари доирасида ўтказилаётган барча тадбирлар кўпчилик замондошларимизни хурсанд қилмоқда. Бу каби тадбирлар, ёшларимизни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар 2020 йилда ҳам давом этади.

Дилафрўз ҲУРОЗОВА,

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Хоразм вилояти

Бугуннинг гапи

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси таркибида 46 та шаҳар, туман кенгаши, 2146 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Аъзолар сони 294638 нафар. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят ҳокимлиги, вилоят савдо-саноат палатаси ўртасидаги минтақавий келишув асосида ишловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича киритилган қўшимча имтиёзлар ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқ ва манфаатлар ифодаси

Биз ҳар бир ишловчи, қайси секторда фаолият кўрсатишдан қатъи назар, унга муносиб иш шартлири яратилиши ва меҳнати рағбатлантирилиши тарафдоримиз. Шу боис мунтазам равишда нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотлар ходимлари билан учрашиб, уларни касаба уюшмаларига бирлашишни таклиф қиламиз. Саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ ўтган даврда аъзолар сони 6410 нафарга кўпайиб, 132 та янги бошланғич ташкилот ташкил этилди.

Шу кунларда бирлашмада «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонуннинг аҳамияти, мазмун-моҳияти аъзолар ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилинмоқда. Уни қабул қилишда касаба аъзолари бевосита иштирок этгани, қонун лоийҳаси кенг доирада муҳокама қилингани, касаба уюшма фаоллари, жамоатчилик билдирган қатор таклифлар инobatта олингани қонуннинг ҳалқчиллигини таъминлади.

Қонун касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини янада кенгайтирди. Жумладан, касаба уюшмаларига ижтимоий-иқтисодий масалалардаги қарорлар қабул қилинаётганда иштирок этиш, бандликка кўмаклашиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишни сураб тақдимномалар киритиш каби ҳуқуқлар берилгани ишловчилар ва оила аъзоларининг манфаатларига хизмат қилади.

Қонунга мувофиқ, касаба уюшмалари ва бирлашмаларнинг фаолиятига аралашушга, шу жумладан уларнинг фаолияти тўғрисида бирор-бир ҳужжат тақдим этишни талаб қилишга, касаба уюшмалари, улар бирлашмалари, фаолиятининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ташаббусига кўра тугатишга йўл қўйилмайди. Бу касаба уюшмаларининг тўлиқ мустақиллигини таъминлайди, аъзолар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган таъсирчан чоралар кўриш имкониятларини кенгайтиради.

Янги қонун билан танишайётган аъзолар унда ўз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳақида кенг ифодаланганидан мамнун эканлигини билдиришмоқда. Зеро, касаба уюшмаларининг иш берувчилар, давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик механизми янада такомиллаштиридан биринчи навбатда ходимлар манфаатдордир.

Қаҳрамон МАШАРИПОВ,

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими mudiri



Қорақалпоғистон Республикаси

Сурхондарё вилояти

Болажонлар учун замонавий боғчалар

Сариосиё тумани «Нуробод» маҳалласида «Adiba, Nozanin, Sojida» номли давлат-хусусий шерикчилик асосидаги нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият бошлади.

Фойдаланишга топширилган икки қаватли муассаса 100 ўринли бўлиб, уни барпо этиш учун 2 миллион 200 миллион сўм маблағ сарфланди.

Муассаса замонавий кўринишга эга, тарбиячилари малакали педагоглардан иборат. Энг муҳими, шароитлар, ўйин майдончалари, овқатланиш, ювиниш, дам олиш хоналари юқори талабларга жавоб беради. Кундалик машғулотлардан ташқари рус, инглиз тили фанлари, шахмат-шашка, расм чизиш, бадий гимнастика тўғрақлари фаолият

кўрсатаётгани эса болажонларнинг сифатли бошланғич билим олишлари, ҳар томонлама соғлом ўсиб-ўлғайишларига хизмат қилади.

Шунингдек, Термиз шаҳрида 14-давлат мактабгача таълим муассасасининг замонавий усулда бунёд этилган янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Мазкур муассаса 150 ўринли бўлиб, уни барпо этиш учун 4 миллион 200 миллион сўм маблағ сарфланди. Илгари бу боғча мослаштирилган бинода жойлаштирилган бўлиб, боис, шароитлари ҳам ҳаминқадар эди. Эндиликда бу ерда барча қўлайликлар мавжуд. Кенг, шинам ётоқхона, ошхона, машғулотхоналари болаларбоп мебель жиҳозлари, ранг-баранг ўйинчоқлар ва кўргазмили куруллар билан таъминланган. Ҳовлида болажонлар учун ёғзи ўйин майдони барпо этилиб, замонавий усулда жиҳозлангани ҳам ота-оналарни хурсанд қилмоқда.

Кези келганда, шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, 2019 йилда вилоятда 80 та давлат хусусий шерикчилик ва 15 та хусусий мактабгача таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилган. 50 та давлат мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинган, янгидан қурилган. 236 та оилавий нодавлат боғчалар ташкил этилган. Натижанда воҳода болажонларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш кўрсаткичи 35 фоизга етган.

2020 йилда вилоятдаги 3-6 ёшдаги болаларнинг 50 фоизини мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш режалаштирилгани таъкидланмоқда.

Моҳира ТОҒАЕВА,

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Бунёдкорлик

Ёш энергетиклар билан учрашув

Давра суҳбати

«Тахياتош ИЭС» АЖда очиқ мулоқот ўтказилди. Унда корхонада меҳнат қилаётган ёшлар, Тахياتош энергетика касб-хўнаар коллежи битирувчилари ва касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Тадбирда Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Бобурмирзо Абдуллаев ва бирлашма кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Нурилла Алиев ёшларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб бердилар.

«Менинг келажакдаги иш жойим» акцияси доирасида 35 нафар коллеж битирувчилари корхона иш фаолияти билан яқиндан танишиш баробарида станция бўйлаб саёҳат иштирокчисига айланди.

Нурилла АБДУЛЛАЕВ,
«Тахياتош ИЭС» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси

Қашқадарё вилояти

«Ўқитувчи ижодкор бўлса, ўқувчи ижодкор бўлади». «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибаси Дилноза Бердиеванинг энг кўп такрорлайдиган гапи бу.

Китоб туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берадиган Дилноза Бердиева тимсолида бугунги кун ўқитувчиси яққол муважжас топган. Яна шунинг айтиш жоизки, қаҳрамонимиз ўрта мактабларда 8-синф ўқувчиларига мўлжалланган «Она тили» дарслигининг масъул муҳаррирларидан бири ҳамдир.

– Ижодга қизиқиш, адабиётга ошнолик болалигимда бошланган, – дейди у. – Уч ёшимда чўлдаги пахта далаларида тарозибон бўлиб ишлайдиган отамни «Пахта иши» бўйича қамашди. Рўзгор юки, икки болага нон топиш юмшини онамнинг елкасига тушди. Бувимнинг тарбиясида эртак-маталлар тинглаб ўлғайдим. Ёмонлик устидан яхшилик, тўқмат тўқмоғидан адолат ғолиб чиқиши ҳақидаги турли эртаклар бизни ҳадемай ёруғ кунлар келишига ишонтирарди.

Институтни битириб, ишга келар эканман, дарсларни ўзига хос тарзда ўтишни мақсад қилдим. Масалани бундай дарсни бизга ҳеч ким ўтмагани» дея иқроор бўлишлари, ўтилатган мавзунинг жон қулоғи билан тингласи, алал-оқибат улар мавзунини мукаммал ўзлаштириши учун тинимсиз изиланиш – одатий иш услубимга айланди. Бўш вақт топсам, ижтимоий тармоқлардан мавзуга оид қўшимча маълумотлар қидиришдан эринмадим.

8-синф «Она тили» дарслигининг масъул муҳаррирларидан бири бўлган Дилноза опадан дарсликларнинг олдингиларга қараганда анча мурак

каблашиб кетгани, ўқитувчининг ўзи мавзунини тўлақонли тушуниб етмаси, уни қандай қилиб ўқувчига еткази олиши ҳақида сўрайман.

– Дарсликлар бундан ўн беш-йигирма йил олдингига қараганда мураккаблашгани рост, – дейди опа куйиниб. Бирок биз шиддаткор замонда яшаётганимизни унутмаслигимиз даркор. Ўқитувчи ҳам замон билан ҳамнафас одимлаши шарт. Олдин фақат мавзунини ўтиш талаб қилинган бўлса, энди шу мавзунини чуқурлаштириб ўргатиш талаби қўйилмоқда. Бундан

– Бир ойда икки марта ўқитувчиларга «Маҳорат дарси» ўтаман – дейди у. – Биласиз, Китоб тумани тоғли худуд Макрид, Деновбола, Коина, Обиканда каби қишлоқлар туман марказидан 30-40 чақирим узоқликда, тоғлар бағрида жойлашган. Мутахассис етишмайди. Олий маълумотли, малакали фан ўқитувчилари кам. Дарсларни ўрта махсус маълумотли педагоглар ўтаётган мактаблар ҳам йўқ эмас. Табиийки, бу қишлоқлардан олий ўқув юртига кирадиган ўқувчилар сони мақтанарли эмас.

Она тили ва адабиёт фани бўйича семинарларда ўқитувчиларга методик-услубий кўмак бериб келаятган опа бу борадаги фикрлари билан ҳам ўртоқлашади.

Айримларнинг назарида ўқитувчилик қилиб, рўзгор тебратишдан кўра, чорваннинг ортидан кун кўриш кулайроқ туюлади. Қатнаб дарс ўтадиган ҳамкасбларим ҳам бор. Аммо улар йўл ва тушлик харажатлари ошиб бораётгани тўғрисида кўп сонли эмас. Нима учундир, узоқ қишлоқларга қатнаб, ойлигига қўшимча маош қўшиладиган худудларга Китоб туманидан бирорта ҳам қишлоқ кирамаган! Мутасаддилар ушбу масалани ўйлаб кўришса, яхши бўларди...

2017 йилда республикада «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» деб топилган Дилноза Бердиева шу кунларда 8-синф «Она тили» дарслиги

Ўз касбининг моҳир эгалари



учун қўшимча ўқув қўлланма тайёрлаётди. Жорий йилда Китоб туманига бутун мамлакатимиз бўйлаб фан ўқитувчиларини таклиф қилиб, семинар ташкил қилиш ҳам режасида бор.

Дилноза Бердиеванинг иқтидорли шогирди Фарзона Зокирова туман миқёсида «Энг чиройли хусниҳат эгаси» деб топилган бўлса, ўқувчилари Рўхшона Ҳороқова, Гўзал Иброҳимова, Севинч Хуррамова «Мен ҳам келажакка овоз бераман» иншолар танловини вилоятда ғолиб чиқшди. Яна бир шогирди Дилноза Нуъмонова «Фан олимпиадаси»нинг республика босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

Дарҳақиқат, ўз касбига меҳр қўймоқчи кишининг маҳоратини чарқлайди...

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

«Ishonch»га жавоб берадилар СПОРТ ЗАЛИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНАДИ



«Ishonch» газетасининг 2019 йилдаги 145-сонидан чоп этилган «Куламаса ҳисоб эмасми?» сарлавҳали мақолага Халқ таълими вазирлиги қўйидаги жавоб йўлади:

Хоразм вилояти Хонқа тумани халқ таълими бўлимига қарашли 19-умумтаълим мактаби 1976 йили қурилган. 944 ўқувчига мўлжалланган мактабда ҳозирда 1064 нафар ўқувчи таълим олибди.

Ушбу мактаб 2011 йили Инвестиция дастури доирасида 211 млн. сўм маблағ доирасида мукаммал таъмирдан чиққан. Ўттириқликдорда маблағ ажратилмагани сабабли мактабнинг спорт зали биноси таъмирланмаганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 4 сентябрда ўтказилган видеоселектор мажлиси баънининг 34-бандида аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, спорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида барча умумтаълим мактаблари учун спорт залларини қуриш, реконструкция қилиш ва спорт анжуманлари билан жиҳозлаш бўйича беш йиллик давлат дастурини ишлаб чиқиш топшириғи берилган.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 20 ноябрдаги 06-06/3-3378-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига тақдим этилган.

Тақдим этилган манзилли рўйхатда Хонқа туманидаги 19-сон умумтаълим мактаби спорт зал биносини реконструкция қилиш кўзда тутилгани маълум қилмади.

Вазир ўринбосари Т.КОМИЛОВ *** КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ Муборак маскандаги «эсдаликлар»

«Ishonch» газетасининг 2019 йил 8 декабрдаги 146-147-148-сонларида чоп этилган «Муборак маскандаги «эсдаликлар» сарлавҳали мақолага Андижон вилояти ҳокимлиги қўйидаги жавоб муносабат билдириди:

Хонобод шаҳридаги «Фозилжон ота» зиёратгоҳидаги ҳолат тегишли мутахассислар томонидан ўрганилди. Урганиш жараёнида мақолада кўрсатиб ўтилган салбий ҳолатлар мавжудлиги аниқланди.

Хоразм вилояти

Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди. Бироқ букилган ҳақиқатни қайта тиклаш ҳам осон эмас. 2001 йилдан «Агробанк» тизимида фаолият кўрсатиб, унинг Янгибозор тумани филиали, Хоразм вилояти ҳудудий филиали, Урганч филиали бошқарувчиси лавозимларида ишлаган ёш кадрлардан бири Мансурбек Болтаев тақдири бунинг ёрқин мисолидир.

У Банк молия академиясини битирган, Сингапур давлатида ўқиб келган билимдон мутахассис эди. Аммо... 2018 йил 17 август кун «Агробанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси ҳузурда ўтказилган видеоселектор йиғилишида «Агробанк» Урганч филиали бошқарувчиси Мансурбек Болтаевни ишда камчиликларга йўл қўйгани ва ички меҳнат тартиб-қоидаларини бир марта қўпол равишда бузгани учун ишдан бўшатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шунга асосан 2018 йил 28 август кун «Агробанк» акциядорлик тижорат банкнинг 157-сонли буйруғи чиқарилиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Буйруқда видеоселектор баёни, тегишли тармоқларнинг билдиришномалари ҳамда Мансурбек Болтаевнинг тушунтириш хати беришдан бош тортигани тўғрисидаги далолатнома асос сифатида келтирилган.

Албатта, банк тизимида узоқ йиллик тажриба ва юқори малакага эга бўлган мутахассис, 11 йилдан буён раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган, қолаверса, халқ депутатлари Урганч шаҳар депутати бўлган шахс ўз ҳуқуқлари топталишига кўз юмиб кетолмасди. У Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасидан манфаатларини ҳимоя қилиб, лавозимига қайта тиклашида амалий ёрдам сўради. Шундан сўнг касаба уюшма аъзоси манфаатларини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига мурожаат қилинди. Давоо аризада Мансурбек Болтаев ноқонуний равишда ишдан бўшатилиши ва уни «Агробанк» Урганч филиали бошқарувчиси лавозимига ишга тиклаб, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарарларни ундириш сўралди.

Иш ҳужжатларидаги мавжуд далиллар ва аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиб, суд 2018 йил 29 октябрда Мансурбек Болтаев билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 157-сонли буйруқни гайриқонуний деб топиш ва бекор қилиш, уни «Агробанк» Хоразм вилояти бошқармачиси Урганч филиали бошқарувчиси лавозимига ишга тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. «Агробанк» акциядорлик тижорат банки ҳисобидан Мансурбек Болтаев фойдасига 9 773 460 сўм иш ҳақи ҳамда 4 900 000 сўмлик маънавий зарар ундириш белгиланди.

Шу тариқа Мансурбек Болтаев ўз фаолиятини олиб ташлади. Тўйхоналарнинг нарх-навоси ҳам пойтахтда бошқача, вилоят ва туманларда ўзгача. Масалан, азим кентда тўйхоналарнинг нархи киши бошига тахминан 100-200 минг сўм атрофида бўлса, вилоят ва туманларда бир кунлик тўйнинг сарф-харажати тахминан 6 миллион сўмдан 15 миллионгача. Уларнинг одам сигими ҳам турлича – 400 нафардан 1000 нафаргача.

Катта фарзандимни уйлантириш арафасидан, – дейди паркентлик Сабриддин Камолов. – Туманимиздаги тўйхоналарга бордим. Янги қарор бўйича 250 кишилик жой буюртма қилдим. Одам қанча кам бўлса, тўйхона шунча арзон бўлади, деб ўйлагандим. Лекин чучварани ҳам санаган эканман. Бундай бўлиб чиқмапти. Одам сони чекланса-ю, тўйхонанинг нарх-навоси ўша-ўша бўлса, бундан бизга

Олий Мажлис Сенатининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори кучга кирди.

Хўш, мажур қарор шу давргача турли «урф-одатлар» билан бойиб келган дабдабозликнинг туб илдизига болта ура оладими? Унга бой-у камбағал, амалдор-у ишчи бирдек амал қиладими? Қарорда барчанинг манфаати ҳисобга олинганми? Улардан биридан тортиб, тўй эгасига наф келтирадими? Умуман, ҳужжат ижроси юзасидан жойларда қандай ишлар амалга оширилди? Биз шу каби саволларга жавоб излаб, айрим тўйхоналарда бўлдиқ, жамоатчилик фикри билан қизиқдик...

«ТАДБИРКОРДА АЙБ ЙЎҚ, ҲАММА АЙБ ҚАРОРДА»

Аксариyat юртдошларимиз қарорни маъқуллашмоқда. Улар БАХТ ортиқча ҳашам ва дабдабалар билан ўлчанмаслигини англаб етмоқда. Миқдорлаб йиққан-терганини бир кунлик ҳою ҳавасга эмас, балки фарзандларининг келажакига сарфласа, мақсадга мувофиқлигини тушуномқда. Лекин танганининг икки томони бўлганидек, мажур қарор ижросидан хавотирга тушаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар тўй-ҳашамларда одам сони қисқартирилиши оқибатида тўйхоналарнинг нарх-навоси ошиб кетди, деб ўйлашмоқда.

Ушбу ҳолатга ойдинлик киритиш учун бир нечта тўйхона эгалари билан суҳбатлашдик. Улар ҳам тежамкорлик тарафдор. Аммо нарх масаласида ҳозирча бир тўхтамага келишгани йўқ. Аксариyat тўйхоналар январь ойи учун буюртма қабул қилмапти. Кимдир коммунал тўловларнинг қимматлигини айтса, яна бошқаси давлатдан катта кредити борлигини маълум қилди. Айрим тўйхона эгалари эса янги қарор тўғрисида нарх-наво бироз кўтарилишини билдиришди.

– Тўйхонамиз ишга тушганга ҳали бир йил бўлмади, – дейди пойтахтимиздаги нуфузли тўйхонанинг эгаси. – Давлатдан катта кредит олиб, ушбу тўйхонани қурганимиз. Албатта, биз ҳам ортиқча дабдабозликка қаршимиз. Лекин одам сони чеклангани билан нарх-наво ўзгармапти. Чунки, битта тўйда ўша-ўша газ, ўша-ўша сув, ўша-ўша электр токи ишлатамиз. Ишончимиздаги йигирма нафардан ортиқ ходимга ойлик маош бериш керак. Бундан ташқари, коммунал ва кредит тўловлари бор. Масууллар мен каби тадбиркорларнинг харажатларини ҳам инobatла олиши керак. Масалан, кредит ёки коммунал тўловларда қандайдир имтиёзлар жорий қилиниши лозим. Ҳеч бир тадбиркор зарар учун ишламайди. Қисқаси, янги тизим бизга ҳам тўй қилаётган фуқарога ҳам наф келтириши керак. Тўй-ҳашамлар ҳар бир ҳудудда тур-

лима наф? 250 нафар меҳмонга ҳам, 500 нафарига ҳам бирдек харажат қиладиган бўлса, одам сонини чеклашдан мудоо нима? Ахир, қарордан қўзланган асосий мақсад ортиқча чиким ва исрофгарчиликнинг олдини олиш эмасми? Кўриниб турганидек, бу борада ҳар икки томон ҳам ҳақ. Тадбиркорга қандайдир имтиёз берилса, у жон-жон деб нарх-навоини арзонлаштиради. Одам сони қанча кам бўлса, шунча арзон бўлишини билган фуқаро эса албатта, тўйга кам одам айтади.

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ЖАВОБГАР(МИ?)

Янги тўй мавсумини тегишли ташкилотлардан таркиб топган ишчи гуруҳ нозорат қилиши керак. Хўш, бу борада улар қандай ишларни амалга оширди? – Қарор ишлаб чиқилаётган вақтда бу масала билан боғлиқ ҳамма жиҳатлар эътиборга олинган, – дейди Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг ишчи гуруҳи раҳбарининг ўзини ўзи бошқариш органларини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси ва яна бир қатор мутасадди ташкилотлар томонидан Низом қабул қилинган. Ушбу Низомга биноан, ҳар бир ҳудуд ўз салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ички низоми ишлаб чиқадими ва

шунга асосда иш кўради. Хусусан, одам сони қисқартирилиши муносабати билан тўйхоналарнинг нархи ошиб кетишининг олдини олиш Савдо-саноат палатаси зиммасига юклатилган. Улар бу борада доимий мониторинг олиб боради. Савдо-саноат палатасининг матбуот котиби билан боғландик. Улар бу борада қилинган ишларни ўрганиб, сўнг бизга қўнғироқ қилишини маълум қилди. Аммо на қўнғироқ, на маълумотдан дарак бўлди. Демак, ҳаммаси тушунарли... Агар Савдо-саноат палатаси ўзига тегишли вазифа бўйича бирор иш бажараётган бўлганида эди, матбуот котиби қилинган ишлар ҳусусида гапириб берган бўларди...

ЖАРИМАЛАРНИ КИМ УНДИРАДИ?

Низомда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тарти-

ДАБДАБА... ШУ БИЛАН ТАМОМ(МИ?)

Тўйхона, кафе ва ресторанларнинг мансабдор шахслари томонидан талаблар бузилганида эса базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдоридан (тахминан 6 МИЛЛИОН 690 МИНГ СЎМ) жарима солинади. Агар бу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилса – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдоридан (тахминан 11 МИЛЛИОН 150 МИНГ) жарима солинади. Афусли, айрим маҳалла раислари тартибни бузган фуқаролар билан қандай тартибда, ким томонидан баённома тузилиши ҳақида зарур маълумотга эга эмас. Демак, қарор юзасидан жойлардаги маҳалла раислари ва фаоллари билан етарлича тушунтириш ишлари амалга оширилмаган.

ҚОҒОЗДАГИ АМАЛГА КЎЧСА...

Белгиланган тартибга кўра, тўйхона, кафе ва ресторанларда 50 нафар ва ундан ортиқ шахс иштирокида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш учун фуқаро ҳамда тўйхона, кафе, ресторан раҳбари ўртасида шартнома тузилади. Шартномада тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тўлов, харажатлари миқдори, тадбир иштирокчилари сони, мuddати ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар кўрсатилади.

бериши керак. Маҳалла қошида тузилган махсус комиссия вакиллари ушбу тўйда назоратчи вакил сифатида иштирок этади. Агар юнусободлик фуқаро Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган тўйхонада тадбирини ўтказадиган бўлса, тўйни назорат қилиш ҳам Юнусобод тумани фуқароси яшайдиган маҳалла қошидаги комиссия зиммасига тушади.

Авалло, қарор исрофгарчилик ва дабдабадан халос бўлиш мақсадида ишлаб чиқилган экан, унинг иловасида «дабдаба» ва «исрофгарчилик» тушунчаси, уларнинг меъёр билан чегараси аниқ кўрсатилиши керак. Чунки кимдир учун тўйда 4-5 хил овқат тортилиши меъёр бўлса, кимдир бунини 2 хил таомда деб билди. Майли, таом турини тўй соҳиб белигилансин, аммо унинг меъёрий сони кўрсатилиши керак. Бу жиҳатларни ҳамма ҳар хил талқин қилишига йўл қўймаслик лозим.

Дарвоқе, шу ўринда қарордаги аҳоли ва тадбиркорлар томонидан кўплаб эътирозларга учраётган жиҳат – одам сонининг чекланиши ҳусусида икки оғиз сўз. Тўй-маросимларда одам сонининг кам бўлгани яхши, албатта. Аммо бу билан тўйлардаги дабдабозликни тўхтайтишнинг мураккаб иложи йўқ. Чунки айримлар 250 нафар одам билан ҳам истаганча исрофгарчилик (дастурхонга балиқнинг увулдиривидан тортиб «анқонинг уруғи» гача қўядиганлар бор) қилиши мумкин. Демак, бу борада шундай тизим яратилсинки, менталитетга ёт ғояларга йўғрилган турли муҳаббат ҳўқоялари-ю қайнона-келин, келин-куёв дузтларига бутунлай барҳам берилсин. Тўйхоналар шундай тизим асосида фаолият юритсинки, токи уларда ортиқча қўнғилхушлиқлар қилиниши асло иложи бўлмасин.

КОРТЕЖ МАСАЛАСИ.

Низомда келин-куёвнинг тўйхонага келиши ва кетиши билан боғлиқ оилавий тадбирларда 3 тадан кўп енгил автомашинадан еки жа-

Касаба уюшмаси аралашгач...

мида бошқа ишлай олмаслигини билдирди. Бунинг ўрнига ўртача ойлик иш ҳақининг у барабари миқдорда компенсация ундириб беришини сўради. Суд бу талабни қаноатлантирди. Мансурбек Болтаев ҳисобига ундирилган маблағларнинг умумий миқдори 38 миллион сўмдан зиёд. Англашларидаки, «Агробанк» раҳбарларининг Мансурбек Болтаевни икки марта қонунга хилоф равишда ишдан бўшатишга уриниши давлат божи билан қўшиб ҳисоблаганда банкка 54 миллион 600 минг сўмга яқин зарар келтирди. Мутасаддилар қимматбахо вақтларини суд жараёнида ўтказишди. Мансурбек Болтаев эса руҳан эзилди. Ваҳоланки, бу маблағ ва бу вақт эзгу мақсадларга ҳам сарфла-ниши мумкин эди.

Мансурбек Болтаев ўтган йил 13 майдан бошлаб янада маъсулиятли лавозимда иш бошлади. Айни пайтда у Урганч шаҳар ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари сифатида юрт раванқига ҳисса қўшмоқда.

Ушбу малакали ёш раҳбар тақдирини баён этишдан қўзланган мақсад касаба уюшмалари ходимлар манфаатлари йўлида курашга тайёр эканини таъкидлашдир. Қолаверса, халқимиз таъбири билан айтганда олтин зангламайди. Малакали мутахассислар ҳеч қачон кўчада қолмайди. Уларга қилинган адолат-сизликлар иродаларини буқмайди, аксинча, янада қатъиятли ва шижоатли бўлишга ундайди.

Мурод ХУДОЙБЕРГАНОВ, Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими етакчи мутахассиси



Бундан ташқари, тадбир ўтказаетган шахс бир ҳафта олдин қайси тўйхонада ва неча нафар одамга тўй қилаётгани ҳақида ўзи яшаётган маҳалла идорасига хабар

моат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа транспорт воситаларидан фойдаланмаслик таъкидланган. Бирок кейинги хат-бошида «пулли автотранспорт хизмати лицензияга эга бўлмаган ташувчилар томонидан кўрсатилишига йўл қўймаслик, тўй эгаларининг шахсий автомашиналаридан ҳамда ҳўқийлар ердимида жалб этилган автотранспорт воситаларидан фойдаланилган ҳўлар бундан мустасно» дейилади. Айнан шу банд келин-куёв кортежининг сони ошишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки ҳозир ҳар бир оила битта ёки иккитадан автомашина бўлиб, тўй эгаларига бемалол қариндош-уруғлар ҳўмийлик қилиши мумкин. Шу боис, ҳўмийлик ёки ҳўмийсиз асосда ҳам келин-куёв кортежи сонига янада аниқлик киритилиши зарур.

Учинчидан,

тўйхонасини банкдан кредит олиб қурган тадбиркорлар учун ҳам қандайдир имтиёзлар бериш масаласи ҳам кўриб чиқилюши керак.

Тўртинчидан,

нархлар суний оширилишининг олдини олиш масаласи билан ҳам қоғоз ёки ҳисобот учун айрим жойлардагина эмас, жиҳдий ва мунтазам, токи қарор ижросига тўлиқ эришил-гунича мамлакат бўйлаб шўғулланилиши лозим.

Бешинчидан, қарорда тўй-маросимларда икки нафардан ортиқ хонанданинг (гурруҳининг) хизмат кўрсатишига йўл қўйилмапти, дейилган. Бизнингча, асосий эътиборни шу санъаткорларнинг тўйга келаётган нархларини арзонлаштиришга қаратса, халқимиз учун кўпроқ фойдали бўларди. Масалан, шу кеча-кўнундада Тошкент шаҳрида бир машҳур санъаткор «бирров»га 1000 АҚШ долларидан камига келмапти. Табиийки, бундай нархни ўрта-тахол аҳолининг чўнтағи кўтармайди.

Олтинчидан ва энг асосийи,

мажур қарор ўртақол ва камбағал одамларни овутиш учунгина хизмат қилма-син. Унга бой-у камбағал бирдек амал қилсин. Энг аввало, амалдорлар, мажур қарор устида бош қотирган мутасаддиларнинг ўзлари ҳам ушбу тартиб асосида тўй-томоша ўтказсин. Сўнг бундай тўйлар ОАВларда тарғиб қилинсинки, оддий халқ улардан андаза олсин. Зеро, шу йўл билангина кутилган натижага эришамиз. Ақс ҳолда, барча уринишларимиз бекор. Гапнинг лўндасини айт-ганда, янги тизим амалиётда шундай тоза ва соф ишласинки, дабдабозлик борасида яна қоғоз қоралашга асло ҳў-жат қолмасин.

Ғўломжон МИРАҲМЕДОВ, Зебо НАМЗОБОВА, «ISHONCH»

Навоий вилояти

Иштихонлик бир ўғри Абдулла Қаҳҳор асарларини ўқимаган бўлса-да, адаб-нинг «ўғри» ҳўқоси барча замонларга мос келишини исботлаб берди. Қандай қилиб дейсизми? Ўғирлик билан! У тўппа-тўғри ту-

Бутуннинг «ўғри»си ким?

ман ички ишлар бўлимида ишлайдиган милиция ходимининг оғилхонасига кириб борди ва боқуведга катта қўлим ёлқалаб кетди. Ҳеч ким билмади. Ички ишлар ходими уялдимиз ёки бунинг бошқа сабаби борми, бу тўғрида ҳеч қан-

дай ариза ёзмади. Орадан бир кун ўтиб, ички ишлар ходимига қўшни яшайдиган хонандонда бир йўла иккита велосипедни ўрилар умариб кетишди. Бу сафар ҳам ўғри изланмади. Барибир, топилишига ҳеч ким ишонмайди.

Инсоф билан айтганда, Иштихон туманида мана шунча очиладиган ва очилмайдиган ўғирликлар тез-тез содир этилади. Аммо аксарияти фўш қилинмайди. Бундан бир неча йиллар муқаддам бизга ён қўшни бўлган кишининг

оғилидан боқувдаги новвосини ўғирлаб кетиши азамат ўғрилди. Энг қизиғи, ўғирланган новвос топилиди. Аммо ўғрилгани ҳеч ким топа олмади. Буни қаранг-а... Ўғирланган мол бор, ўғри йўқ! Нормурод МУСОМОВ, «ISHONCH»

Луқма

Ассалому алайкум, Иброҳим ака! «Олтин қозиқ» деб номланган китобингиздан жой олган «Қодирий. Сиймо» (эссе)ни ўқиб миямдаги тугунлар ечилгандек бўлди. Абдулла Қодирий ҳаётини, унинг асарларини ҳар ким ҳар хил англайди, ўқийди, ўзича кашф этади. Камина ҳам улар қаторида. Аммо эссе мўлоҳазасидан кейин, Қодирийни Иброҳим Ғафуров бўлиб ўқигим келди. Айтганингиздек, «Қодирий ижоди ҳақида Умарали Норматов, Собир Мирвалиев, Наим Каримов, Бегали Қосимов сингари олимлар тадқиқотлари, Уткир Хошимов, Хайридин Султон каби адибларнинг адибона таҳлил ва талқинларини ўқиганда улуг ʻезувчи маҳоратининг такрорланмас қирралари ҳақида қўтилмаган тасаввурлар ҳосил қиламиз, инсоний хусусиятларининг чўнг қатламларига янада чуқурроқ кириб боргандай бўламиз».

Шундай бўлса-да, кўнгил тўлмаслик аломати бўлмиш «аммо»ни ишга солиб, дилнингиздагини тўқиб солишингиз, жумладан, «Биз янги замонларнинг кишилари учун Абдулла Қодирий таржимаи ҳолининг жуда кўп томонлари, саҳифалари номаълум»лигидан озор чекишингиз китобхонга, хоссатан, каминага-да, юқди. Айниқса, Қодирийнинг отаси, бобоси, унинг китобга, адабиётга меҳрини, Туркистон тарихига қизиқшини тарбиялаган инсонларни бизга таништиришингиз, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори ҳазратларининг ва бошқа маърифатпарварларнинг унга таъсирини, уларнинг Қодирийга нақадар меҳр кўрсатишинини, матбуотдаги фаолиятини, адабиёт оламига кириб келиши, ʻезган асарлари ҳақида ўша даврга саҳаҳат қилиб, чиндан яшаб, улар даврасида кўрганларингизни тасвирлаб беришингиз бизга-да кўпик вазифасини ўтади.

Жадид боболар, айниқса, бетакрор сиймо Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва фаолиятидан бироз таниш муҳлис сифатида Сизнинг тасвирларингизга, таҳлилларингизга, ҳуррият, миллат равнақи йўлида қайғурган зиёлиларни ўзаро меҳрли боғлашларингизга ҳавас қилдим.

ʻЕзганларингизни ўқиб, Қодирий асарлари, алаҳқус, икки улуг ʻУтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари воқеалари марказида уяланиш тугуни ҳақидаги таҳлилингиздан мутаассир бўлиб, ўзимча кашф этганим – адиб армони ҳақидаги ўйимни айтгим келди.

Бехбудийнинг 1919 йилда шахид бўлганлиги маълум бўлгач, Туркистоннинг фаол зиёли ʻешлари у ҳақда оташин хотиралар, ашъорлар битиб нолалар чекишган. Бир қайғули марсияларки, давр матбуоти қатларига мангута муҳланган.

Бу кун дунёда бир маҳшир кўпубди, Бу ер ʻезини титратма тугубди, Кўк бўлса, қап-қоронғу чодини Бошига ўраган, йиғлаб ʻетибди... (Ваҳид Маҳмуд)

Амалимнинг юлдузиким, кўз тикди Қора, жирканч ўлим қони ерларга, Савол бердим: «Йўқотганим қайда?» деб, ʻУзимни ҳам ютмак бўлган эрларга... (Чўлпон)

Сани мундин буён Турон кўролурму, кўролмасму?! Санинг мислингиз Туркистон тополурму, тополмасму? ...Ватан авлоди ʻед этди, сани хурмат-ла шод этди,

Ва лекин интиқомингизни ололурму, ололмасму? (Садриддин Айний)

Фитрат эса «Бехбудий сағанасиға изладим», дея фарёд чеқди. Бундайн мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин Фитрат-у Чўлпон, Ҳожи Муин-у Айнийлар орасидан Абдулла Қодирий битган бир парча бўлса-да, фикрани матбуот саҳифаларидан қидириб, тополмаганим рост... Ахир Бехбудий ʻеш адибларга йўналиш бўлсин дея «Ок елпюсичили чинли хотун» ҳикоясини ʻезгани, «Мушмиро» образини («Самарқанд» газетасида) яратиб ҳажвчи-

ларга ибрат, «Муштум» журнали номланишига «туртки» бергани чин-ку, «Падаркуш» «таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ʻезиб юборганимиз ўзим ҳам пайкамай қолдим» – Қодирийнинг сўзлари-ку... Шундай экан, унинг Бехбудийни ʻед этмаганидан бироз оғринганим ҳам ҳақиқатим эди...

Иброҳим ака! ʻЕзганларингиздан кейин Кумушнинг ўлимни йиғлаб-йиғлаб ўқиганларим, тўлғониб-тўлғониб ухломанларим, бошқа ʻеш юраклар каби «ʻезувчи нега уни ўлдирди» саволи исканжасида чеккан изтиробларим... Сўнг Анвар мизони («Меҳробдан чаён») таниб, Раънони ундан пинҳона рашк қилиб, севишганлар тақдиридан манун бўлиб (майлига юртдан қочиб кетса ҳам), «ʻезувчи Кумушни ҳам ўлдирмас бўларди-ку» дея гўдакларча уялланганларим... ҳамма-ҳаммаси чекинди. Сиз каби камина ҳам қўтилмаганда жадид боболарнинг орасига тушиб қолди. Воқеаларни кетма-кет жойлаб улар билан ҳамнафас яшаб кўрдим, фикрларим улғайгандек, кўзларим чарақлаб очилгандек бўлди!.. Романдаги рамзлар, тимсоллар намоён бўла бошлади...

Устоз! Қодирийнинг Бехбудийдан олган пайрларини ҳақида ʻезасиз. Унга эргашган жиҳатларини кўрсатасиз. Демак, Қодирий Чўлпон-у Фитрат каби Бехбудийга бағишлаб марсия битмаган эса-да, «Меҳробдан чаён»даги Анвар образида уни тасвирлаган н а з а -



римда. Бошқача айтганда, ʻезувчи роман қаҳрамонини буюк Бехбудийнинг прототиби асосида яратади. Асарнинг бош ғояси эса озодлик бўлиб қолаверади.

Рамзлар... Роман сўнгидея Анвар Раънони олиб юртдан хуфа чиқиб кетиши – Бехбудийнинг озодликни авайлаб бағрига босиб, ташқи дунёдан паноҳ сўраши эди. Негаки, Қодирий Анвар – Бехбудийни яхши биларди, тушунарди.

Бехбудий ҳам Анвар каби ʻешлигида мироздик қилгани тасодиф эмасдир? Бехбудий умрининг якуни номаълумлигини Қодирий Самарқандга бориб аниқлашга ҳаракат қилган. Романда ҳам ʻезувчи ўзи бориб Анвар тақдирини суриштирган ва қаҳрамон ҳаётининг якунини ноаниқ қолдирган. Раъно – ҳурриятнинг тақдирини ҳақида эса ҳеч гап йўқ. Негаки, роман ʻезиб тугатилган давр(1928 йил)да ҳали Мунавварқори ва унинг сафдошлари қатағонга учрамаган, Туркистонда большевиклар «босмачилик» деб ном қўйган, аслида эса миллий озодлик ҳаракати давом этаётган, бошқача айтганда, ҳуррият тақдирини номаълум фурсат эди. Бехбудийнинг миллат орузини топтаган большевикларга қаршилиги – Анварнинг ҳукмдор адолатсизликларига норозилиги, унинг Раъноси – озодлигига даҳл қилиши...

Раъно – қатағон йилларино истиқлол даври ада-

зат рисола муаллифининг Раъно образини тасдиқлаётгани ҳам, рад қилаётгани ҳам, хайрихоҳ еки холис муносабати ҳам, умуман, илмий мезон сезилмай қолади», деган фикр айтади. Нега бу каби баҳслар тугамаётганини энди тушунгандекман. Раъно ўз даври қизларига ўхшамаган, Қодирий уялаб топган бу эзгу образ – озодлик тимсолидир. Шу маънода атоқли олим ʻезувчимиз Ойбекнинг фикрини ʻедга олсак, масала анча ойдинлашади: «Абдулла Қодирий типик жадид эди... Асарларининг мавзулари, идеяларигина эмас, балки уларнинг формал тузилишлари, бадиий хусусиятлари, даражалари ҳам жадид адабиётининг типик намуналарини ташкил этади».

Жадидлар ғояси нима эди? Минг мартаба айтилди, яна такрорлаймиз – ОЗОДЛИК эди! Мен сени севаман, Раъно!! Иброҳим ака, бу фикрларинг баҳс-талаш дейишингиз мумкин... Ҳолбуки, Сиз ʻезган эссе ва академик олимимиз Наим Каримовнинг «Адиб абадияти» («Ishonch» газетаси, 2019 йил 28 сентябрь)даги мақоласи хуло-

самга далла бўлди. Ундан иқтибос: «Қодирий «Бахтсиз куёв» драмаси билан Бехбудийнинг, шеърлари билан эса Фитрат, Чўлпон ва Таваллолар сафига келиб қўшилгандек бўлди. Лекин шу даврда рўй берган тарихий воқеалар – Чор Россияси зулмига қарши кўтарилган 1916 йил Кўзғолони, 1917 йил Февраль инқилоби, Туркистон Мухторият ҳукуматининг барпо этилиши ва большевиклар томонидан тор-мор қилиниб, Кўқон шаҳрининг қонга ботирилиши, 1917 йилдан кейинги талотўплар уни ўзбек халқининг тарихий тақ-

дири тўғрисида уялашга мажбур этди». Бу сўзлар изоҳга ҳожат сезмайди... Бироқ «Меҳробдан чаён»да кўринган рамз-у тимсолларни «Утган кунлар»дан ҳам қидиргим келди ва ажаб манзарага дуч келгандек бўлдим. Бехбудий ʻезган «Падаркуш» асари ўқимаган боланинг отасини ўлдирши ҳақидагина эмас, балки молдунё, ҳокимият вазвасасида қатл этилган Мирзо Улуғбек билан боғлиқ отақушлик фожиасидан бошланган Туркистон таназули хусусидаги трагедия эканлигини Қодирий яхши биларди.

«Утган кунлар» ʻезилган давр 1919-20 йил дейилади манбаларда. Туркистон мухторияти 1918 йилда қонга ботирилганидан миллатнинг барча зиёлилари қатори Қодирий ҳам изтиробда қолади. Романда Кумуш-бибининг ўлими, бу фақатгина муҳаббатнинг эмас, балки Қодирий кўз ўнгида содир бўлган Туркистон мухториятининг аянчли ҳалокати, телбага айланган Зайнабнинг аҳоли эса мустамлакада қолган авомнинг холи эди. Шунинг учун асарни ўқиган зиёли, аввало, Кумушбibi ўлимидан қаттиқ қайғуга ботади. Ҳатто, адибнинг ўзи ҳам бу саҳнани йиғлаб-йиғлаб ʻезганини яширмайди. Қаттол замонда яшаб, большевикларнинг асл мақсадини англаб етган Абдулла Қодирийдек буюк шахс ўзи яратган биргина образ тақдирини учунгина йиғлашини... бошқача тушунишни истадим. Негаки, Кумуш ўлимига маҳкум эди – суоқли Туркистон мухторияти шахид бўлган эди... Қилмишини англомай қабристонда тентирган телбанамо Зайнабга «Баттар бўл», дея унинг тақдирини бефарқ қаролмайсиз – залолатта ботган авом-да, ахир...

Бир пайтлар «Утган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари фонидея зерикиб ўқиганим – «Обид кетмон»ни шу кунларда қайтадан мутула қилишни шартлигини англаб турибман. Ҳой-наҳой, мухторият бостирилган, большевиклар даврида бир мучал йили яшаб, маслагидан қайтмаган Мунавварқори Абдурашидхонов асосий қаҳрамон бўлиб чиқса, ҳайратланмайман. Жадид боболар ҳаётини қадам-қадам ўрганган яна бир жонқуяр устоз олим Сирожиддин Аҳмаднинг «Обид кетмон» асари хусусидаги янгича қарашлари акс этган «Мағлубиятга тенг галаба» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2019 йил 27 декабрь) мақоласи бунга ишора бериб турибди...

Иброҳим ака, бугун Абдулла Қодирий сиймосига давлат ва унинг биринчи раҳбари даражасида берилаётган ҳақиқий баҳодан, боболарга муносиб ʻэтибордан суоиб турибмиз.

Мақтубдан мурод, юқоридаги ўйларимни тасдиқлашти эмас. Мақсад шуки, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхоновга Чор Россияси «Охранка»си томонидан босилган, шўро «НКВД»си ва унинг давомчиси («КГБ») қўллаган «панисломист», «пантуркист», «англизпараст» тамгалари шу кунларгача олиб ташланмаганини яна бир бор таъкидлашдир. Акс ҳолда, истиқлол даврида Фитрат-у Чўлпонлардан аввал уларнинг устозлари – шахсий мол-мулкларини тикиб, мактаб қуриб, дарслик ʻезиб, жадид адабиётини яратиб, газета-журнал чиқариб, озодлик учун курашадиган ʻешларни, жумладан, Қодирийларни тарбиялашда жонларини қурбон қилишдан ҳам чўчимаган Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов тақдирланган бўлмасмиди?..

Январ ойида Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллиги... нишонланармикан? Дунёда иккинчи жаҳон урушининг махфий архивлари давлат раҳбарлари томонидан очикланаётган фурсатда бу икки бобомиз ва уларнинг сафдошлари ҳақидаги ўта махфий маълумотлар дунё ʻезини кўриши, айтилиши ва муносиб баҳолалиши асл ҳақиқатга нисбатан хурмат нишонаси бўларди...

Эҳтиром билан, талабангиз

Халим САИД

«Абдулла Қодирий типик жадид эди... Асарларининг мавзулари, идеяларигина эмас, балки уларнинг формал тузилишлари, бадиий хусусиятлари, даражалари ҳам жадид адабиётининг типик намуналарини ташкил этади».

Жадидлар ғояси нима эди? Минг мартаба айтилди, яна такрорлаймиз – ОЗОДЛИК эди! Мен сени севаман, Раъно!! Иброҳим ака, бу фикрларинг баҳс-талаш дейишингиз мумкин... Ҳолбуки, Сиз ʻезган эссе ва академик олимимиз Наим Каримовнинг «Адиб абадияти» («Ishonch» газетаси, 2019 йил 28 сентябрь)даги мақоласи хуло-

самга далла бўлди. Ундан иқтибос: «Қодирий «Бахтсиз куёв» драмаси билан Бехбудийнинг, шеърлари билан эса Фитрат, Чўлпон ва Таваллолар сафига келиб қўшилгандек бўлди. Лекин шу даврда рўй берган тарихий воқеалар – Чор Россияси зулмига қарши кўтарилган 1916 йил Кўзғолони, 1917 йил Февраль инқилоби, Туркистон Мухторият ҳукуматининг барпо этилиши ва большевиклар томонидан тор-мор қилиниб, Кўқон шаҳрининг қонга ботирилиши, 1917 йилдан кейинги талотўплар уни ўзбек халқининг тарихий тақ-

дири тўғрисида уялашга мажбур этди». Бу сўзлар изоҳга ҳожат сезмайди... Бироқ «Меҳробдан чаён»да кўринган рамз-у тимсолларни «Утган кунлар»дан ҳам қидиргим келди ва ажаб манзарага дуч келгандек бўлдим. Бехбудий ʻезган «Падаркуш» асари ўқимаган боланинг отасини ўлдирши ҳақидагина эмас, балки молдунё, ҳокимият вазвасасида қатл этилган Мирзо Улуғбек билан боғлиқ отақушлик фожиасидан бошланган Туркистон таназули хусусидаги трагедия эканлигини Қодирий яхши биларди.

«Утган кунлар» ʻезилган давр 1919-20 йил дейилади манбаларда. Туркистон мухторияти 1918 йилда қонга ботирилганидан миллатнинг барча зиёлилари қатори Қодирий ҳам изтиробда қолади. Романда Кумуш-бибининг ўлими, бу фақатгина муҳаббатнинг эмас, балки Қодирий кўз ўнгида содир бўлган Туркистон мухториятининг аянчли ҳалокати, телбага айланган Зайнабнинг аҳоли эса мустамлакада қолган авомнинг холи эди. Шунинг учун асарни ўқиган зиёли, аввало, Кумушбibi ўлимидан қаттиқ қайғуга ботади. Ҳатто, адибнинг ўзи ҳам бу саҳнани йиғлаб-йиғлаб ʻезганини яширмайди. Қаттол замонда яшаб, большевикларнинг асл мақсадини англаб етган Абдулла Қодирийдек буюк шахс ўзи яратган биргина образ тақдирини учунгина йиғлашини... бошқача тушунишни истадим. Негаки, Кумуш ўлимига маҳкум эди – суоқли Туркистон мухторияти шахид бўлган эди... Қилмишини англомай қабристонда тентирган телбанамо Зайнабга «Баттар бўл», дея унинг тақдирини бефарқ қаролмайсиз – залолатта ботган авом-да, ахир...

Бир пайтлар «Утган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари фонидея зерикиб ўқиганим – «Обид кетмон»ни шу кунларда қайтадан мутула қилишни шартлигини англаб турибман. Ҳой-наҳой, мухторият бостирилган, большевиклар даврида бир мучал йили яшаб, маслагидан қайтмаган Мунавварқори Абдурашидхонов асосий қаҳрамон бўлиб чиқса, ҳайратланмайман. Жадид боболар ҳаётини қадам-қадам ўрганган яна бир жонқуяр устоз олим Сирожиддин Аҳмаднинг «Обид кетмон» асари хусусидаги янгича қарашлари акс этган «Мағлубиятга тенг галаба» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2019 йил 27 декабрь) мақоласи бунга ишора бериб турибди...

Иброҳим ака, бугун Абдулла Қодирий сиймосига давлат ва унинг биринчи раҳбари даражасида берилаётган ҳақиқий баҳодан, боболарга муносиб ʻэтибордан суоиб турибмиз.

Мақтубдан мурод, юқоридаги ўйларимни тасдиқлашти эмас. Мақсад шуки, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхоновга Чор Россияси «Охранка»си томонидан босилган, шўро «НКВД»си ва унинг давомчиси («КГБ») қўллаган «панисломист», «пантуркист», «англизпараст» тамгалари шу кунларгача олиб ташланмаганини яна бир бор таъкидлашдир. Акс ҳолда, истиқлол даврида Фитрат-у Чўлпонлардан аввал уларнинг устозлари – шахсий мол-мулкларини тикиб, мактаб қуриб, дарслик ʻезиб, жадид адабиётини яратиб, газета-журнал чиқариб, озодлик учун курашадиган ʻешларни, жумладан, Қодирийларни тарбиялашда жонларини қурбон қилишдан ҳам чўчимаган Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов тақдирланган бўлмасмиди?..

Январ ойида Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 145 йиллиги... нишонланармикан? Дунёда иккинчи жаҳон урушининг махфий архивлари давлат раҳбарлари томонидан очикланаётган фурсатда бу икки бобомиз ва уларнинг сафдошлари ҳақидаги ўта махфий маълумотлар дунё ʻезини кўриши, айтилиши ва муносиб баҳолалиши асл ҳақиқатга нисбатан хурмат нишонаси бўларди...

Эҳтиром билан, талабангиз

Халим САИД

«Абдулла Қодирий типик жадид эди... Асарларининг мавзулари, идеяларигина эмас, балки уларнинг формал тузилишлари, бадиий хусусиятлари, даражалари ҳам жадид адабиётининг типик намуналарини ташкил этади».

Мақтуб

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. ISSN 2010-5004. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхrir хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (Тахрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Раъшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари «Ishonch-Doverie» бўйича), Меҳридин ШУКУРОВ, (Масъул котиб «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Ҳатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

- Қўдалардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андхон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-25 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти – (+998-99) 889-38-34 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назаридан фарқлиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов Мусажиллар: С. Шодиева, Д. Орипов Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Ўза якуни – 23:50 Топширилди – 00:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 бома табоқ. Бюрога Г – 117. 30655 нускада босилди. Нашр ғўратини: 133

Манзилими: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясини Босмаҳонасида chop этилди.

Корхона маъноси: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яншобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Янги лойиҳа Халқ таълими вазирлигининг расмий сайтида эълон қилинишича, жорий йилнинг учинчи чорагидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 10-11-синфларида фанлар ихтиёрий танлов асосида ўқитилади. Мазкур лойиҳа 2019 – 2020 ўқув йили якунига қадар тажриба тариқасида ўтказилиб, агар ижобий натижа берса, тўлиқ амалиётга жорий этилади.

Репетиторга эҳтиёж камаяди(ми)?

– Янги тизим ўқувчиларга мактабнинг ўзида олиғ таълим муассасасига кириш имтиҳонига тайёрланиши учун имконият яратиб, репетиторга эҳтиёжини камайтиради, – дейди Халқ таълими вазирлигининг матбуот котиби Анвар Умаров. – Қолаверса, ўқувчиларнинг ҳам вақти тежалиб, ота-оналар репетиторга сарфлаётган маблағларини бошқа фойдали йўналишларга сарфлаши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, янгиликнинг жорий қилиниши ихтиёрий бўлиб, мактабда танлов синфини ташкил этишда юқори малакали, тажрибали ўқувчиларнинг мавжудлиги инобатга олинади. Танлов синфи йўналиши 10-, 11-синфлар кесимида ўқувчилар ўртасида сўровнома ўтказиш орқали аниқланади. Бунда бир нафар ўқувчи фақат битта йўналишни танлайди.

Танлов синфлари қуйидаги беш йўналишда ташкил этилиши мумкин:

1. Хорижий тил ва филология йўналиши;
2. Иқтисод йўналиши;
3. Технология йўналиши;
4. Табиий фанлар йўналиши;
5. Иجتимой-гуманитар йўналиши.

Мазкур янгилик кўпчилиги учун айни мудабо бўлиши мумкин. Аммо унинг мактабларда қандай ташкил этилиши ва сифати қай даражада бўлишини олиғ ҳакам – вақт кўрсатади.

Зебо НАМОЗОВА, «ISHONCH»

Аукцион савдолари хабарномаси! «КО‘СНМАС MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. 2020 йил 10 январь кунини соат 11:00 да ташкил қилинадиган такрорий савдоларга «NEFTGAZQURILISHTAMIR» акциядорлик жамиятининг 12.11.2019 йилдаги 6/NG-311-сонли бюртма-хатига асосан NEFTGAZQURILISHTAMIR» АЖга қарашли Бухоро вилояти, Когон тумани, «Янги-ҳаёт» ҚФЙ, Аммиробод кўрғони ҳудудида жойлашган, «2-сон Қурилиш монтаж бошқармаси» унитар корхонаси ҳисобидея, умумий ер майдони 59680,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 4388,6 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлар: шундан сотиладиган умумий ер майдони 900,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 724,0 кв.метрдан иборат Маъмурий бино қисми ва «4-сон Қурилиш монтаж бошқармаси» унитар корхонаси ҳисобидея умумий ер майдони 17000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 2474,9 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлари такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 2 471 764 000 (Икки миллиард тўрт юз етмиш бир миллион етти юз олтишми тўрт минг) сўм.

II. 2020 йил 10 январь кунини соат 12:00да ташкил қилинадиган такрорий савдоларга «NEFTGAZQURILISHTAMIR» акциядорлик жамиятининг 24.09.2019 йилдаги 6АР-249-сонли бюртма-хатига асосан NEFTGAZQURILISHTAMIR» АЖга қарашли «2-сон Қурилиш монтаж бошқармаси» унитар корхонаси ҳисобидея, Бухоро вилояти, Когон тумани, «Янги-ҳаёт» ҚФЙ, Аммиробод кўрғони ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 59680,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 4388,6 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлар: шундан сотиладиган умумий ер майдони 900,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 724,0 кв.метрдан иборат Маъмурий бино қисми ва «4-сон Қурилиш монтаж бошқармаси» унитар корхонаси ҳисобидея умумий ер майдони 17000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 2474,9 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлари такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 1 503 705 000 (Бир миллиард беш юз уч миллион етти юз беш минг) сўм.

Такрорий очиқ аукцион савдолари Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

2020 йил 10 январь кунини аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2020 йил 17 январь, 24 январь, 31 январь, 7 февраль, 14 февраль, 21 февраль ва 28 февраль кунлари ўтказилади.